Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 22 (6. 511) 1988 йил 28 январь, пайшанба. Баҳоси 3 тийин

XIX

Янгиланиш йўлидан

## Дадил одим

⊙ Ишлаб чиқариш мастери Л. Косовскаянинг пайвандчи А. Полоратов билан ҳамкорликда олиб борган кўп йиллик рационализаторлик изланишлари ниҳоят ўз самарасини берди. Янгиликнинг жорий этилиши туфайли йилига 17 минг 842 сўмлик иқтисодий самара олиш имконияти юзага келди. Унинг муаллифлари тўқимачилик комбинати ихтирочи-рационализаторлари ўртасида ўтказилган конкурсда биринчи ўринни олишга эришдилар. Ўз касбининг бу моҳир усталари ижодий ҳамкорликни яна давом эттирмоқдалар. Улар ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш борасида қунт билан изланишаяпти.

⊙ Меҳнат коллективи Советининг ташкил этилиши «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчи-хизматчилари ҳаётидаги муҳим воқеаларнинг бири бўлди. Унинг дастлабки мажлисида ташкилий масала кўриб чиқилди. Корхона план-экономика бўлими бошлиғи М. Завулунов меҳнат коллективи Советининг раиси, тўқув цехи мастери И. Тожиев, экспериментал цех бошлиғи, П. Исматхўжаев эса раис ўринбосарлари этиб сайландилар.

Ўзида 32 ишчи ва мутахассисни бирлаштирган меҳнат коллективи Советининг илк фаолияти тобора қизимоқда. Совет аъзолари ишлаб чиқариш участкаларида қайта қуриш ва жадаллаштиришга ғов бўлаётган муаммоларни бартараф этишда, сифат ва самарадорликни оширишда жонкуярлик кўрсатишмоқда.

Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси олдидан

## Омилкорлик зарур

Партия XXVII съезди мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришни жадаллаштиришнинг жуда катта вазифаларини ўртага қўйди. Съезддан буён ўтган вақт ичида кўпгина ишлар амалга оширилди. Лоақал, цехимизда амалга оширилаётган тадбирларга бир назар ташласак ҳам аввалгига нисбатан ишчанлик вазияти кучайганини, ишчилар ўзларига ва ҳамкасбларига талабчанликни анча оширганликлари, цехда ҳал этилаётган барча масалаларни активлик билан қизғин муҳокама қилишаётганини кўриш мумкин.

Ҳа, айнан инсоннинг ишга муносабати, унинг тутган позицияси, омилкорлик билан иш юритиши ва янада яхшироқ ишлашга интилиши — ўйлаган режаларимизни амалга оширишнинг энг муҳим воситалари. Мен цехга кўпдан буён етакчилик қилиб келаман. Айниқса ҳозирги паллада, яъни Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси олдидан меҳнат ғайрати ва шижоати ошганлигини яққол ҳис этяпман. Аввало шуни айтмоқчиманки, конференция шарафига ўн тўққиз зарбдор ўн кунлик эълон қилинди. Ўтган йилнинг 11 декабридан бошланган зарбдор ўн кунликлар натижаси чакки бўлмаяпти. Ўн иккинчи беш йилликнинг учинчи йилини зарбдорона суръат билан бошлашга туртки берган бу ташаббус ҳозирги пайтда бутун корхонамизда кенг қўллаб-қувватланмоқда.

Очиғини айтганда, бизда ошкоралик ва қайта қуриш давригача ишимизда дадиллик ва омилкорлик етишмас эди. Негадир бу ҳақда гапирилардику, аммо унинг ишга таъсири сезилмасди. Мана эндиликда ҳар биримиз меҳнат унумдорлигини ошириш фақат юқори сифатли қуйилмалар тайёрлаш учун жон куйдиряпмиз. Цехимизда янги автоматик линия ишга тушганига анча бўлди. Бу линия бирйўла 20—22 қолипловчининг ўрнини босмоқда. Буни «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси конструкторлари корхонамиз мутахассислари билан ҳамкорликда жорий этдилар. Очиғини айтганда, бу участка бутун цехимизда қўл меҳнатини энг кўп талаб этадиган участкалардан бири ҳисобланар эди. Қолиплаш аввалари шалағи чиққан машиналарда амалга оширилар, бу эса қўл меҳнатини кўп талаб этар, қисқаси, меҳнат шароити бизни қониқтирмасди.

Коллективимиз беш йилликнинг иккинчи йилини муваффақиятли якунлади, пландагидан зиёдроқ чўян тайёрлади. Агар биз мамлакатимизнинг 20 га яқин корхонасини ўз маҳсулотларимиз билан таъминлаётганлигимизни ҳисобга олсак, зиммамизда қанчалик катта масъулият борлигини ҳис этиш мумкин.

Қуювчиларимиз конференция шарафига зарбдорона меҳнат қилишяпти. Беш йилликнинг иккинчи йилига нисбатан бу йилдаги мўлжалимиз юксакроқдир.

Ютуқларга қандай эришилаётгани ҳақида фикр юритсак, энг аввало шуни кўрамизки, бизда бригада усули, ҳар бир кишига меҳнатдаги иштироки ҳиссасига қараб ҳақ тўланаётгани муҳим роль ўйнаганлигини кўрамиз. Ишчиларимиз ҳамиша ўз маҳоратларини ошириб боришга интилмоқдалар. Масалан, ҳозиргача 75 ишчига «Ўз касбининг устаси» номи берилди.

Меҳнатни ташкил этишнинг ва уни моддий жиҳатдан рағбатлантиришнинг бригада усули меҳнат унумдорлигини кескин оширмоқда. Йигирмадан зиёд бригада янги усулда катта муваффақиятларни қўлга киритмоқда. Қуювчилар, слесарлар, қолипловчилар, эритувчилар бригадалари айниқса яхши муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар. Улар ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятлар бўйича актив иш олиб боришяпти.

Интизом ва уюшқоқлик, ташаббускорлик ва юксак масъулият ҳар бир ишчини цех, қолаверса, корхона умумий ютуғига қўшадиган шахсий ҳиссаси ҳақида жиддий ўйлаб кўришга даъват этмоқда. Бундан цех маъмурияти билан биргаликда жамоат ташкилотларининг ролини ҳам алоҳида қайд этиб ўтиш керак. Бунинг натижасида бизнинг қуюв цехимизда прогуллар ва ишга кечикиб келишлар аввалгига нисбатан уч марта камайди.

Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги СССР Қонуни меҳнат коллективининг ўз-ўзини бошқаруви нималардан иборатлигини аниқ-равшан белгилаб берди. Ушбу қонунда белгилаб берилган ҳуқуқлардан тўла фойдаланиш, айниқса, корхона меҳнат коллективининг кенгаши ролини ошириш меҳнат коллективи ишига жуда катта ёрдам бермоқда. Ўйлайманки, корхонамизнинг ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш ва ўз харажатларини ўзи қоплаш шароитидаги ишлари ҳар бир цех, бригадада янада омилкорлик билан иш юритишимизни тақозо этади. Қуювчиларимиз маҳоратини бундан буён ҳам ошириб бориш Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси шарафига беш йилликнинг уч йиллик планини адо этиш юзасидан ўз зиммаларига юксак социалистик мажбуриятлар қабул қилган Д. Атаманов, В. Шумицкий сингари пешқадамлар сафини янада кенгайтиришга, янгидан янги ташаббусларга ундамоқда.

**Ф. ФАЗЛИДДИНОВ,**

**Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи қуюв цехининг бошлиғи.**

**ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ ҚАРОРИ**

### ЙИГИРМАНЧИ ЧАҚИРИҚ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ТЎРТИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

«Ўзбекистон ССР халқ депутатлари область Советлари тўғрисида» Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Қонунининг 37-моддасига биноан Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети қарор қилади:

1. Йигирманчи чақириқ халқ депутатлари шаҳар Советининг тўртинчи сессияси 1988 йил 26 февраль соат 11 да чақирилсин.

2. Совет муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилсин:

— 2000-йилгача Тошкент шаҳри Комплекс уй-жой программасини реализация қилиш бўйича халқ депутатлари маҳаллий Советларининг вазифалари тўғрисида.

— Тошкент шаҳар Советининг аввалги сессияларида билдирилган танқидий мулоҳазалар ва таклифлар бажарилишининг бориши тўғрисида.

— Ташкилий масала.

**Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Ш. МИРСАИДОВ.**

**Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг секретари В. МАНАСТИРЕТСКАЯ.**

ЗАМОНДОШИМИЗ



## МЕҲНАТГА КЎНГИЛ БОҒЛАБ

Алимжон Мирзаев шундай бахтиёр кун келишини ҳеч ўйлаб кўрганмикин? Менимча, хаёлига келмаган ҳам бўлса керак.

«САНИИРИ» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкент экспериментал ишлаб чиқариш корхонасига илк бор келган кунни ҳали-ҳали эслайди. Заводнинг кекса ишчилари унинг елкасига қоқиб:

— Мана, бугунги шогирд, эртанги донгдор ишчи келди, — дейишганди, — фақат меҳнатга кўнгил боғласа бўлди.

Уларнинг гапи ҳақ бўлиб чиқди. Алимжон ишга қанча кўнгил қўйган бўлса, шунчалар кўнгли яшнаб, обрўланиб бораверди.

Кўпчилик қиладиган ишининг тайини йўқ, аммо шон-шуҳрат орттиришни севадилар. Шу йўлда турли хил бадкирдорликдан ҳам қайтмайдилар. Аммо шуҳрат сари қувган ишёқмасларга эмас, камтар меҳнаткаш инсонларга ёр бўлади.

Алижоннинг ҳам ортидан шон-шараф излаб келди. Тўққиз йиллик ҳалол меҳнати туфайли корхонада тилга тушди. Илғорлар қаторида кимсан моҳир пресслoвчи-қуювчи деб ном қозонди. Тўртинчи разрядли мутахассис бўлди.

Собир Раҳимов район Совети депутатлари орасида Алимжон Мирзаевнинг ҳам номи бор. Унга одамлар юксак ишонч билдириб, 90-сайлов округидан дадиллик билан овоз берганлар. Яна у социалистик қонунчилик ва жамоат тартибини сақлаш комиссиясига ҳам аъзо. Алимжон депутат сифатида жамоатчилик наказларини тўла адо этиб келмоқда.

Халқимизда бир нақл бор: бировга ақл ўргатишдан аввал, ўзингга бир қараб ол. Ўзгаларга ўрнак бўлган киши ҳар томонлама етук граждан бўлмоғи керак.

Замондошимиз, Алимжон Мирзаев бу томондан ибрат олса арзигулик ҳамшаҳримиздир.

Унинг эришган ютуқлари, обрў-эътиборини бир сўз билан ифода этсак тўғри бўлади:

Меҳнатга кўнгил боғлаб,
Бахт топди, шараф топди.

**Т. УБАЙДУЛЛАЕВ.**

**СУРАТДА: Алимжон Мирзаев ҳамкасблари орасида.**

Р. Шарипов фотоси.

Касаба союз ҳаётидан

## Ишчиларга қулайлик

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Октябрь революцияси номли тепловоз ремонти заводи касаба союз комитетига Бадриддин Садриддинов раислик қилади. Биз у билан суҳбатлашдик.

— Коллективимизда 2 мингдан ортиқ турли касб эгалари фидокорона меҳнат қилишади, — дейди бизга у. — Иши билан сўзи бир заводимиз ишчилари ўтган йил план-топшириқларини 104,3 процент адо этдилар. Пландан ташқари 3 та «2ТЭ10Л» маркали оғир юкли тепловозни ремонт қилишга эришилди. Умуман олганда, корхонамиз бир миллион 657 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришди. Завод ишчилари «Бутуниттифоқ XIX партия конференциясига — 19 зарбдор ўн кунлик» шиори остида социалистик мусобақани қизитиб юбордилар.

Қарийб 20—30 йилдан бери фидокорона меҳнат қилаётган ветеранлардан В. Гришянка, Л. Қориев, Ҳ. Қосимов, Қ. Қорабоев, Й. Файзиев, Б. Абдуллаев, В. Суслова, А. Уварова сингари меҳнат илғорлари кунлик иш нормаларни 120 — 130 процент адо этиб, коллектив ўртасида намуна бўлишмоқда.

**— Айтинг-чи, касаба союз комитети завод ишчиларининг маданий дам олишлари учун қандай шароитлар яратмоқда?**

— Бу борада анчагина ишларни амалга оширмоқдамиз, — деди Б. Садриддинов.— 1987 йили заводда ташкил этилган санаторий-профилакторийсида 500 дан ортиқ ишчи-хизматчилар ўз саломатликларини мустаҳкамлаб олдилар. Бу дам олиш профилакторийси шу йилнинг октябрь ойидан бошлаб янги бинога кўчиб ўтади.

73 киши эса Совет Иттифоқининг турли дам олиш санаторийларида , 56 киши туристик путёвка билан чет элларга саёҳат қилиб қайтди.

Бу йили ушбу кўрсаткичларни 2,5 — 3 процентга ошириш кўзда тутилган. Яна шуни айтиш лозимки, коллективимиз СССР Темир йўллари министрлигининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланди. Ҳозирги кунда тепловоз-дизель, электромашина ва бошқа цехларда Бутуниттифоқ XIX партия конференциясига пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Шу мақсадда социалистик мусобақа кун сайин қизиб бормоқда.

Заводда реконструкциялаш ишлари ҳам жадал суръатларда давом этмоқда. Тепловозчилар бу йил 280 дан ортиқ машиналарни сифатли ремонтдан чиқаришга азму қарор қилишган.

**У. МУҲАМЕДОВ.**

СЎНГГИ СОАТДА

⊙ Италия Коммунистик партиясининг Сардиния область комитети Маддалена оролидаги Америка ҳарбий-денгиз базасини тугатишга доир масала бўйича референдум ўтказиш тўғрисидаги ташаббусни қўллаб-қувватлаб чиқди. Ана шу ташаббусни Сардиниянинг қатор прогрессив ёшлар ва пацифистик ташкилотлари бошлаб берган эди. Маҳаллий ўз-ўзини бошқаришнинг қонун чиқарувчи органи Сардиния область советининг бир группа депутатлари ҳам базанинг тугатилишини талаб қилиб чиқдилар.

**⊙ Анголани озод қилиш халқ қуролли кучлари Ангола территориясида ҳаракат қилаётган ЖАР қўшинларини стратегик жиҳатдан муҳим Квито-Кванавале шаҳридан [Квандо-Кубанго вилояти] улоқтириб ташладилар, деб маълум қилади. Ангола мудофаа министрлигининг вакили Карлуш Диаш. Ангола ҳарбий-ҳаво кучларининг самолётлари агрессорларга қудратли зарба бердилар, деб хабар қилди у Рейтер агентлигининг мухбирига. Сўнгги икки ҳафта мобайнида 6 минг нафар ЖАР солдати артиллерия ва танклар мададида, авиация ҳимояси остида шаҳарни қамал қилиб турган эди.**

⊙ Исроил авиацияси Жанубий Ливаннинг Кфар-Румман, Жаржуа, Хаббуш аҳоли пунктларини яна артиллериядан ўққа тутган. «Ас-Сафир» газетасининг хабар қилишига қараганда, ана шу жиноий ҳаракат натижасида бир неча тинч аҳоли ярадор бўлган. Босқинчиларнинг танклари Мейдун қишлоғини ўққа тутган. Исроил ҳарбий-ҳаво кучларининг самолётлари Тир ва унинг теварагидаги фаластинликлар лагерлари устидан разведка мақсадида парвоз қилмоқда.

**⊙ ДАКАР. Гамбияда ҳукуматга қарши фитна фош этилди. Бу ҳақда Банжула шаҳрида Гамбия адлия министри Ҳассан Жаллоу айтди, деб хабар беради Сенегал телевидениеси.**

**Тўнтаришга тайёргарлик кўришга алоқадорликда айбланган бир қанча кишилар қамоққа олинган. Уларнинг орасида божхона ходимлари бор. Қамалганлар яқин орада суд олдида жавоб берадилар. Улардан тортиб олинган муҳим ҳужжатларда фитна ҳақида батафсил маълумотлар бор.**

⊙ Баликесир (Туркия шаҳри районида машқ парвозини бажараётган Туркия ҳарбий-ҳаво кучларининг ҳарбий самолёти фалокатга учради, деб хабар беради Рейтер агентлиги. Маълум қилинишича ҳар икки учувчи ҳалок бўлган.

АХБОРОТ

## Бунёдкорлар аҳди

Киров районининг «Марказ—4» кварталида спорт комплекси қурилиши жадаллик билан олиб борилмоқда. 159-қурилиш трестига қарашли 22-қурилиш бошқармасининг Х. Казанец етакчилик қилаётган хўжалик ҳисобидаги комплекс бригадаси коллективи бу масъулиятли топшириқни шараф билан уддалашмоқда.

Бино лойиҳаси «Ташгипрогор» институти архитекторлари томонидан тайёрланган бўлиб, уч қаватли спорт комплекси, совутиш ва иситиш биноси бунёд этилмоқда.

Кези келганда шуни айтиб ўтиш кераки, бу ерда машғулот ўтказувчиларга қулайлик яратиш мақсадида маъмурий бино ҳамда «Гўзал» кафеси билан боғловчи осма йўл, галерея ҳам мавжуд бўлади.

Бинокорлар шу кунгача 650 минг сўмлик бинокорлик ишларини амалга оширишди. Бунда И. Чударин, Ғ. Собиров, А. Сулаймонов, В. Аблҳакимов сингари бинокорлар ойлик нормадаги 1 минг 200 сўмлик ўрнига 1 минг 400 сўмлик қурилиш монтаж ишларини бажариб, ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқдалар.

## Мустаҳкам ҳамкорлик

**Утган йили республикамиз пойтахтига қўшни Афғонистондан бир группа бинокорлар меҳмон бўлиб келишган эди. Улар бир неча кун давомида Тошкентдаги 1-уйсозлик комбинати фаолияти билан яқиндан танишдилар.**

**Гап шундаки, Кобул уйсозлик комбинати коллективи ўзаро тажриба алмашишни кенг йўлга қўйиш мақсадида тошкентлик ҳамкасблари билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатишга аҳд қилган эди. Бу таклиф Тошкентдаги 1-уйсозлик комбинати томонидан қизғин қўллаб-қувватланди.**

**Ана шу ўзаро келишувга мувофиқ афғон дўстларимиз пойтахтимизга ташриф буюрган эдилар. Бу учрашув чоғида улар корхона ишлаб чиқариш жараёнлари билан яқиндан танишиб, қатор илғор тажрибаларни ўргандилар.**

**Яқинда комбинат адресига афғон қурувчилари номидан мактуб олинди. Унда бўлиб ўтган учрашувлар дўст мамлакат бинокорларида катта таассурот қолдиргани, ўрганилган тажрибалар амалий ишда қўл келаётганлиги мамнуният билан ёзилган эди. Қолаверса, мактуб сўнгида бундай фойдали ишларни яна давом эттириш мақсадга мувофиқлиги кўрсатиб ўтилган.**

**Шунга мувофиқ бундан буён ҳар иккала комбинат ўзаро тажриба алмашишни қатъий тарзда йўлга қўяди.**

## Машинасозлар кўмаги

Шаҳримиздаги «Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ташсельмаш» заводи турдош корхоналар билан яқин амалий алоқа боғлаб келмоқда. Машинасозлар кўмагидан пойтахт областининг Коммунистик районидаги қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тажриба заводи коллективи ҳам мамнун бўлмоқда.

Гап шундаки, ўтган йилнинг охирларида корхона «ППА—3,1» маркали катта ҳажмдаги планировшикларни ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Қишлоқ хўжалиги учун жуда зарур ҳисобланган бу хил маҳсулотларни буюртмачиларга ўз вақтида етказиб бериш юзасидан қатор тадбирлар кўрилди. Бу хайрли ишга «Узбексельмаш» ва «Ташсельмаш» машинасозлари ҳам муносиб ҳиссаларини қўшишга аҳд қилдилар.

Корхонада иш юришиб кетди. Турдош корхоналар ҳамкорлиги туфайли завод янги хил маҳсулотнинг дастлабки 150 комплектини ишлаб чиқаришга муваффақ бўлди. Улар Жиззах ва Бухоро областлари колхоз ва совхозларига юборилади.

**С. ОДИЛОВА.**

• Янгиликлар • Воқеалар • Хушхабарлар •

## «Ёшлик» кафеси

**Сергели районидаги «Маданият» маҳалласида «Ёшлик» кооператив кафеси очилди.**

**Кафе 100 кишига мўлжалланган бўлиб, замонавий услубда жиҳозланган. Ёшлар учун музика тинглаш хонаси ва буфети бор. Бу маҳаллада ўтказиладиган оммавий тадбирлар, қизиқарли учрашувлар, комсомол тўйлари ўтказиш учун жуда қулайдир.**

**Кафе очилиши маросимида маҳалла комитетининг раиси Х. Аҳмедов қулай ва чиройли кафе қуриб берган ташкилотларга миннатдорчилик билдирди. Бу ерда ўзбек миллий таомлари тайёрланмоқда.**

**М. ФОЗИЛОВА.**

## Янги ичимлик

**Бугун Қибрай яхна ичимликлар комбинати технология бўлимида «Кока-кола» ичимлигини ишлаб чиқариш учун тайёргарлик бошлаб юборилди.** Бу янги ичимлик биринчи кварталда 0,33 литрли 500 мингта шиша идишларда тайёрлаб чиқарилади. Шунингдек, корхонада «Вечерний Арбат» ичимлиги ҳам тайёрлаш кўзда тутилган.

## Фойдаланишга тайёр

**Юнусобод массивининг Мирзааҳмедов кўчасида яна бир муҳташам бино қад ростлади.**

9 қаватли 108 квартирали бу турар жой биноси ҳозирги замон меъморчилигининг сўнгги ютуқлари асосида бунёд этилди. Кенг, шинам хоналари, ойнавандли лоджиялари бор.

Бунёдкорлик ишларини 3-уйсозлик комбинати бинокорлари олиб боришди. Қурувчилар бу ерда 800 минг сўмлик қурилиш ишларини бажаришди.

